

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон республикаси

Сўз эркинлиги ҳамон таҳдид остида қолди, фаоллар ва журналистлар сиёсий сабабларга асосланган таъқиблик ва сафар қилиш чекловларига дуч келдилар. Расмийлар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар учун жазосизликни бартараф этишга қаратилган ислохотларни орқага суришда давом этдилар. Жамиятнинг заиф қатламларига нисбатан мажбурий кўчиришлар ва уй-жойларни бузиш ишлари давом этди. ЛГБТИ шахслар тизимли камситиш ва ҳуқуқбузарликларга дуч келдилар. Фермерлар ерларидан маҳрум бўлиш таҳдиди остида пахта етиштиришга мажбур этилдилар. Атроф-муҳит бўйича ваъдаларга қарамасдан, ҳавонинг қаттиқ ифлосланиши соғлиқ учун жиддий хавф туғдирди.

ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Октябрь ойида Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни (ЕРСА) имзолади ҳамда охириги 40 йилдан ортиқ вақт ичида илк бор Париждан ташқарида ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясига мезбонлик қилди. Бу воқеалар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга риоя қилиши борасидаги давом этаётган хавотирларга қарамай амалга ошди.

ФИКР ЭРКИНЛИГИ

Инсон ҳуқуқлари фаоллари, блогерлар ва ижтимоий тармоқ шарҳловчилари коррупция, инсон ҳуқуқлари бузилишлари ва бошқа нозик мавзулар, масалан, 2022 йилдаги Қорақалпоғистоннинг автоном мақомини қўллаб-қувватлаш бўйича оммавий намойишлар, ҳақида хабар берганликлари учун сиёсий сабабларга асосланган таъқибликларга дуч келишда давом этдилар. Камида 30 киши, жумладан, Қорақалпоғистон мустақиллиги тарафдори деб гумон қилинган фаоллар, интернет тармоқларида “айирмачилик” (“сепаратистик”) тарғиботини тарқатганлик айби билан Жиноят кодексининг 244-1-моддаси 3-қисми асосида ҳукм қилиндилар.

Июль ойида Қорақалпоғистон Республикаси суди Дастан Узаковни “айирмачилик” тарғиботини тарқатишда айбдор деб топди. У ўзининг Instagram саҳифасига қорақалпоғистонлик муҳаррир ва ҳуқуқшунос Даулетмурат Тажимуратовнинг 2022 йилдаги адолатсиз судидан олинган ва очиқ манбаларда мавжуд бўлган видеоларни жойлаштирган эди. Дастан Узаков ушбу лавҳаларни “лайк” йиғиш учун улашганини ва суд мажлиси очиқ ўтказилганлиги ва миллий ОАВ томонидан ёритилганлиги сабабли бирон-бир қонунни бузаётганидан хабари бўлмаганини таъкидлади. У беш йиллик озодликдан маҳрум этилмаган жазога ҳукм қилинди ва унинг мобил телефони мусодара қилинди.

Май ойида пойтахт шаҳар Тошкентдаги фуқаролик суди Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган кам сонли мустақил инсон ҳуқуқлари нодавлат ташкилотларидан бири бўлган “Эзгулик” жамияти раиси Абдурахмон Ташановни жаримага тортди. Бунга унинг икки нафар ҳуқуқшунослик профессорлари томонидан ўзининг фаолиятига нисбатан билдирилган такрорий танқидларга жавобан Facebook’да қолдирган пости сабаб бўлди. Ёпиқ суд мажлисида суд ушбу пост академия ходимларининг қадр-қиммати ва обрўсига путур етказган деб топди ҳамда унга зарарни қоплаш, постни ўчириш, жамоатчилик олдида ошкора уэр сўраш ва раддия эълон қилиш мажбуриятини юкледи.

Шунингдек, май ойида расмийлар мустақил журналист ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Шарифа Мадраҳимованинг паспортидаги микрочипни шикастлаш орқали унинг Front Line Defenders мукофотини қабул қилиб олиш учун Ирландияга боришига тўсқинлик қилдилар. Афтидан, бу унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун қасд олиш мақсадида амалга оширилган.

ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛА

Ҳукумат қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз муомала турлари учун жазосизликка барҳам беришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларни ҳамда ҳибсхоналардаги шароитларни назорат қилувчи ҳақиқий мустақил механизмларни яратишни ортга суришда давом этди. 2022 йилда Қорақалпоғистондаги норозилик намойишларининг зўравонлик билан бостирилишини, жумладан, ҳибсга олинган намойишчилар қийноққа солингани ҳақидаги даъволарни ўрганиш бўйича парламент комиссиясининг тўлиқ ҳисоботи ҳанузгача эълон қилинмади.

Март ойида БМТнинг Ўзбошимчалик билан ҳибсга олишлар бўйича ишчи гуруҳи (WGAD) қорақалпоқлар ва конституциявий ўзгартиришларга қарши чиққанларга нисбатан оммавий ҳибсга олишлар ва ҳаддан ташқари куч ишлатилгани ҳақидаги асосли, инкор этилмаган даъволар юзасидан “жиддий хавотир” билдирди. Шунингдек, этник келиб чиқиши ва сиёсий қарашларига асосланган камситиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратди. Ҳукумат мустақил халқаро текширув ўтказиш ҳақидаги чақириқларни эътиборсиз қолдиришда давом этди.

Ишчи гуруҳ, шунингдек, Даулетмурат Тажимуратовга нисбатан, ишончли хабарларга асосланиб, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар қўлланилганлигидан жиддий ташвиш билдирди. У Қорақалпоғистондаги намойишлар пайтида зўравонликка ундаш учун тил бириктирганлик айби билан адолатсиз равишда судланиб, 16 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Апрель ойида унинг давлат мадҳиясини қуйлашдан бош тортгани учун бошқа маҳбуслар томонидан ҳушини йўқотгунича калтаклангани хабар қилинди. Идорасига кўплаб мурожаатлар келиб тушганига қарамай, Омбудсмен ўша ойдаги қамоқхона текшируви жараёнида у билан учрашмади. Май ойида Тажимуратовнинг адвокати унинг бошқа маҳбуслар томонидан – гўёки қамоқхона маъмурияти кўрсатмаси билан – калтакланишда давом этаётгани ва жарима изоляторига (бир кишилик камерага) жойлаштирилгани ҳақида хабар берди. Расмийлар июнь ойида БМТ экспертларига йўллаган жавобида барча ҳуқуқбузарлик иддаоларини инкор этдилар.

УЙ-ЖОЙГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

Март ойида БМТнинг муносиб уй-жойга бўлган ҳуқуқ бўйича махсус маърузачиси 2024 йил август ойидаги ташрифидан сўнг кенг тарқалган мажбурий кўчиришлар, уйларни бузиш ва мулкни олиб қўйиш (экспроприация) ҳолатлари юзасидан хавотир билдирганди. Унинг ҳисоботида жамоатчилик билан маслаҳатлашув етишмасилиги, суд ҳимояси воситаларининг самарасизлиги ва судларнинг қурилиш компаниялари фойдасига қарор чиқариши ҳолатлари қайд этилган. Шунингдек, у жабрланган шахслар, уй-жой ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистларнинг доимий равишда қўрқитилиши, таъқиб қилиниши ва ҳибсга олиниши ҳақида огоҳлантирди.

Июнь ойида БМТнинг уч нафар махсус маърузачиси Самарқанднинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган, Мултони (Муғат) ва тожик этник озчиликлари истиқомат қиладиган маҳаллаларида амалга оширилган мажбурий кўчиришлар ва бузилишлар юзасидан ҳукуматга ўз хавотирларини йўладилар. Уларнинг таъкидлашларича, шаҳарни қайта қуриш ишлари Бутунжаҳон мероси қўмитаси шартларини бузган ҳолда, ижтимоий таъсирни баҳоламасдан ёки инсон ҳуқуқларига риоя этилишини лозим даражада текширмасдан амалга оширилган. Жамиятнинг заиф қатлами бўлган ва кўпчилик ҳолатларда саводсиз бўлган яшовчилар билан маслаҳатлашилмаган; кўпчилик ички ишлар ходимлари ва маҳаллий амалдорлар томонидан ўзлари тушунмаган ҳолда мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги шартномаларни имзолашга ва етарли бўлмаган товон пулини қабул қилишга мажбурланган. Йил якунига қадар ҳукумат ушбу хавотирларга жавоб бермади.

ЛГБТИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

ЛГБТИ шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва индивидуал шахслар томонидан жиддий инсон ҳуқуқлари бузилишига, жумладан, қўрқитиш, жисмоний тажовуз, ижтимоий тармоқларда тўхмат қилиш ва сохта жиноий айбловлар билан ўзбошимчалик билан ҳибсга олишга дуч келишда давом этдилар. Ҳукумат эркалар ўртасидаги консенсуал жинсий алоқаларни жиноят деб ҳисоблашни тўхтатишни рад этишда давом этди ва “анъанавий оилавий қадриятлар”ни рўқач қилиб, жинсий ориентация ва гендер идентификацияси тушунчаларини дискриминацияга қарши қонунлар қаторига киритишдан бош тортди.

АҚШ ташқи ёрдами ҳажмининг қисқартирилиши стигма ва дискриминацияга қарши курашувчи инсон ҳуқуқлари дастурларининг тўхтатилишига олиб келди, бу эса ЛГБТИ шахслар ва ОИВ (ВИЧ) билан яшовчи инсонларнинг ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатди. ОИВ билан боғлиқ ҳуқуқий ислохотлар, камситишга қарши кураш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш соҳасида ишловчи фуқаролик жамияти институтлари сиёсий ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини илгари суришда тобора кўпроқ тўсқинликларга дуч келдилар.

ИШЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Май ойида “Cotton Campaign” коалицияси томонидан эълон қилинган ҳисоботда тизимли мажбурий меҳнатга чек қўйилганига қарамай, давлат кичик фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш режалари ва муайян экинларни экиш мажбуриятини юклашда давом этаётгани ҳақида огоҳлантирилди. Фермерлар ерларидан айрилиш ёки экинларини йўқ қилиш таҳдиди остида пахта ёки ғалла етиштиришга мажбурландилар. Июль ойида тарқалиб кетган аудиоёзувда президентнинг юқори лавозимли маслаҳатчиси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари билан белгиланган квоталарни бажармаганликлари учун зўравонлик билан қўрқитганини ошкор бўлди.

СОҒЛОМ МУҲИТДА ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги иқтисодий ва экологик ҳамкорлик мустаҳкамланаётган бир пайтда Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йилни “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиёт йили” деб эълон қилди ҳамда 2030 йилга қадар янги sanoat ва инфратузилма лойиҳаларининг 55 фоизини “яшил” тоифага киритишни мақсад қилди. Атмосферага углерод оксиди ажралиб чиқишини камайтириш бўйича миллий стратегия қабул қилинди ва қурилиш билан боғлиқ ҳаво ифлосланиши учун жарималарни назарда тутувчи янги қонунлар жорий этилди. Ушбу саъй-ҳаракатларга қарамай, ҳавонинг ифлосланиш даражаси юқориликка қолди. Экология вазирлиги йилнинг дастлабки саккиз ойида ушбу янги қонунларнинг 300 га яқин жиддий бузилишини қайд этди. Ноябрь ойида, Тошкент яна дунёнинг энг ифлосланган шаҳарлари қаторидан жой олганидан кўп ўтмай, Президент шошилинч чоратadbирлар тўғрисидаги фармонни имзолади.